

Лаборатория № 13

Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАВЗУСИНИ ЎРГАТИШ

Мақсад: 1. Ўқувчиларга табиатни муҳофаза қилиш мавзуларини ўргатиш.
2. Экологик, ватанпарварлик ва бошқа тарбиявий томонларни ўргатиш.

Жихозлар: 1. Бошланғич табиий география дарслиги
2. Атлас
3. Х. Назаров “География ўқитиш методикасидан маърузалар матни”.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Baranskiy N.N. Metodika perepedovaniya ekonomicheskoy geografii (Izd. podgotovleno L.M. Pancheshnikovoy- 2-s izd, pererab.)
2. O. Mo'minov Geografiya o'qitish metodikasi. T. “O'qituvchi”
3. A.B.Darinskiy Geografiya ta'limida o'qitish metodikasi. T. “O'rta va oliy maktab”
- 4 A. Soliev Mintaqaviy iqtisodiyot. T. “O'qituvchi”
5. A. Qayumov va boshqalar “Jaxon mamlakatlar iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”
8. P. Mussaev va boshqalar “ O'zbekiston iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”
9. O. Mo'minov, va boshqalar “O'zbekiston tabiiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

Бажариш тартиби: 1. Ўзбекистон Республикаси табиий бойликлари ҳақида маълумот беринг.
2. Ўзбекистон табиий бойликларини муҳофаза қилиш мавзуларини изоҳланг.
3. Лаборатория дафтарга ёзинг.

Маъмулотнинг бориши.

И. Ўқитувчи талабаларга юқоридаги саволларга жавоб беришларини айтади.

1-талаба. Ўзбекистон Республикаси табиий бойликлари қуйидагилардан иборат. Табиий бойликлар инсоннинг яшаши, ҳўжалик фаолияти учун зарур бўлган, унинг турли хил эҳтиёжини қондирувчи манбадир. Инсон ўзи учун зарурий озиқ-овқат, кийим, ёқилғи, саноат хом ашёси, қурилиш материалларини табиатдан олади.

Инсонларнинг табиатдан оладиган барча моддий бойликлар ер ости бойликлари, сув ҳаво ўсимликлар, ҳайвонот олами ва бошқалар табиий бойликлар ҳисобланади. Табиий бойликлар ва жамият талабини қондирувчи манба ҳисобланиб, ундан уч йўл билан фойдаланилади:

- а) озиқ-овқат, кийим-бош, уй-жой, сув, ҳаво, дори-дармон манбаидан фойдаланиш;
- б) аҳолининг дам олиши, хордиқ чиқариш манбаи;
- в) ишлаб чиқариш, хом ашё, энергия, ёқилғи ва бошқалар.

2-талаба. Табиий бойликлар тугайдиган ва тугамайдиган турларга бўлинади.

Ўзбекистон табиий бойликларини муҳофаза қилиш инсон учун заур бўлган қазилма бойликлардан оқилона фойдаланиш, сув, ҳавони тоза сақлаш, тупроқни эъзозлаш, уни эрозиядан сақлаш, ўсимлик ҳайвонот дунёсини асраш, ҳушманзара жойларни асраш кабиларни ифода этади.

Бу эса Ўзбекистон табиий муҳитини тоза ва кўркем ҳолда асақлаш, уларни қайта тиклашни талаб этади.

Аммо ҳозирги кунда инсон ҳўжалик фаолиятининг табиатга таъсири натижасида баъзи жойларда экологик ҳолат ёмонлашмоқда.

Масалан, Орол бўйи, Сурхон водийсида, Қуйи Амударёда экологик ҳолат ёмонлашиб ҳаво, сув, тупроқ таркиби бузилмоқда.

3-талаба. Чирчиқ, Охангарон, Фарғона водийсида Сурхандарё завод-фабрикалар, автотранспортдан чиқадиган ҳар хил захарли моддалар, газлар, қурумлар туфайли ҳаво ифлосланмоқда.

Айнкса, Республикамизнинг кимё, металлургия, машинасозлик ва ҳоказо корхоналардаги тозаловчи иншоотларнинг йўқлиги, яхши ишламаслиги туфайли зарарли моддалар чиқиб кетмоқда ҳавони ифлослантирмоқда.

Олмалиқ ва Фарғона ҳавоси энг ифлос шаҳар ҳисобланади. Шунингдек, Сурхондарёдаги Саросиё туманига Тожикистоннинг Мирзо Тусунзода шаҳрида жойлашган алюмин заводидан чиқаётган фтор газы билан ифлосланмоқда.

Орол денгизи сув сатҳининг пасайиши сабабли ҳаво ҳар хил тузлар, чанглари билан ўта ифлосланган. Болаларга юқоридагиларни тушунтириш лозим.

4- талаба. Республикамиз ҳавосини тоза сақлаш учун эса замонавий ускуналар билан жиҳозланган тозаловчи иншоотлар қуриш зарур.

Чунки, сув бойликларини тоза сақлашнинг асосий вазифаси дарё сувларининг зовур сувлари билан аралашмаслигини таъминлаш зарур. Шунингдек, ер ости бойликларни қидириб топиш, ишга тушуриш учун ерларни қазий ҳам ерларда тупроқ эрозияси сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш учун эса экинларни суғориш қондасига риоя қилиш, илғор усулларни қўллаш зарур бўлади. Ўқитувчи буларни болаларга тушунтириши зарур.

5-талаба. Республикамиз ҳавосининг тоза, мусалффо бўлиши, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш асосий вазифа ҳисобланади. шунинг учун ўқувчиларга ўрмонларга, мева дарахтларга, зиравор ўсимликларни нобуд қилмаслик, уларни руҳсатсиз кесиб юбормаслик, уруғини йиғмаслик қабиларни тушунтириш лозим.

Мактабларда, маҳаллалар, кўчаларда кўчат ўтказиш ишларида ўқувчиларнинг иштирокини таъминлаш муҳимдир.

Ҳайвонларни муҳофаза қилишда эса ер, ўрмон, яйловлардан нотўғри фойдаланиш, ҳайвонотларни руҳсатсиз овлашга йўл қўймаслик зарурлигини аҳолига тушунтириш лозим. Буларнинг барчаси Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилишини тақозо этади.

Шунингдек, ўқувчиларга тури, сони камайиб бораётган ноёб ўсимлик, ҳайвонларни ҳисобга олишга доир 2-жилд. Ўзбекистон “Қизил китоби” нашр этилиши тушунтириш лозим. Ҳозиргача Ўзбекистон қизил китобининг биринчи жилдига 63 та умуртқали ҳайвон тури, 22 та сугъмизувчи, 31 та қуш, 5 та судралиб юрувчи ҳайвон, 5 та балиқ тури қиритилганини айтиш муҳим.

Китобнинг 2-жилдига муҳофаза қилиш зарур бўлган 400 та ўсимлик туридан 163 таси қиритилганини айтиш, ўқувчиларда табиатни муҳофаза қилиш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини, у давлат аҳамиятидаги асосий вазифа эканлигини тушунишларига ижобий таъсир этади.

III. Мустақил иш. талабалар 3 гуруҳга бўлинадилар.

1-гуруҳ Ўзбекистон қўриқхоналари ва уларда муҳофаза қилишга олинган ўсимлик, ҳайвонлар номларини аниқлайдилар, дафтарга ёзадилар.

2-гуруҳ Ўзбекистон қўриқхоналаридаги муҳофаза қилишга олинган табиат ёдгорликларини аниқлайдилар, уларни жойлашган ўрнини дафтарга ёзадилар.

3- гуруҳ Ўзбекистондаги қўриқхоналар, уларни ташкил этилган йили, майдони, жойлашган ўрнини аниқлайдилар, дафтарга ёзадилар.

IIII. Талабалар бажарган ишларни ўқиб беради, тушунтирадилар, хатолари тўғрилади. “Қўриқхоналар” график картасини тузадилар.

IV. Бажарилган ишлар таҳлил қилинади, яқунланади, рейтинг баллари айтилади.

Baholash mezonlari.

1.Laboratoriya ishiga qatnashib, ish haqidagi nazariy bilimga ega bo'lsa-0,5 ballgacha.

2.Laboratoriyaning mustaqil bajarib natijalar olishga-0,5 ballgacha.

- 3.Olingan natijalarni hisoblash ishlarini bajarib,mustaqil xulosa chiqara olishiga-0,5 ballgacha.
- 4.Nazorat savollariga to'g'ri javob berishiga-0,5ballgacha